

№ 1919647952 - сон
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КУРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ
Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Кибрай тумани.

28.01.2022 йил

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “27“январдаги №27-01-14/6025 от 30.12.2021г.-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи ТОШКЕНТ филиали директори **Ш.С.Бакиров** (кейинги ўринларда – Оператор) (Кибрай ТБ Ж.М.Собиров) бир томондан ва “28-сон БМСМ.” номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ф.Тоҳтаев -(кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қўйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишига расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқканлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул қилиши (акцептими) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан холда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (*Postpaid*) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.**

Шартноманинг умумий 28.01.2022 дан 31.12.2022 гача миқдори 180000 (Бир юз саксон минг сум 00 тийин) (+ КҶС 15 % миқдорида.) сўмни ташкил этади. Шу жумладан 6900,00 Олти минг туккиз юз сум 00 тийин) (+ КҶС 15 % миқдорида.) сўм миқдорида ҳар бир ойлик абонент тўловини ташкил этади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг

Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда хар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилимайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий микдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ун)** иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура кабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир)** календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиши тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиши тартибига солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма электрон шаклда тақдим этилган ариза эътиrozнома шикоят тақлиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳакда мажбурий равишида хабардор қилинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттираса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор қилинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача қадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.


7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичидаги бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришилар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равища расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳакиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АҚ Тошкент филиали Кибрай ТБ Манзил: Ташкент вил. Нурафшон кўч. Бобур 84 уй Банк маълумотлари: х/р: 20210000404074838235	Манзил: 28-СОН БОЛАЛАР МУСИКА САНЬАТ МАКТАБИ Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Ёнарик ШФИ Ш/В 400622860272487096600056005 Банк маълумотлари: х/р: СТИР 207 063 900 ОКОНХ 92310 ОКЭД 85310 СООГУ 05684 СТИР: Молия вазирлиги газнечилиги МФО: Х/Р 2340 2000 3001 0000 1010 Марказий банк Тошкент шахар 6.Б. ХКМ Банк номи: МФО 00014 СТИРИ 201 122 919 Тел: E-mail:
СТИР:203366731;	
МФО:00401; АТБ “Алокабанк”	
Тел: 71 900 00 01;	
Оператор номидан:  /имзо/ М.У.	Абонент номидан:  /имзо/ М.У.



28.01.2022 йилдаги
№ 1919647952 - сонли абонент шартномасига
1- илова

Күрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
1.1	Ҳар бир уланиш нуктаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (FTTx технологияси бўйича)	-	Нархнома	-	-
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари					
2.1	Бир ойлик абонент тўлови “Бюджет База ГТС” тариф режаси. Киритилган лимит 180 дакика, узбекистон бўйлаб чиқувчи қўнғироклар лимитдан ташкари 12 сўм.	6900,00	Нархнома	1	6900,00
2.2	Бир ойлик абонент тўлови “Лимитсиз Бюджет База ГТС” тариф режаси. Киритилган лимит 45 000 дакика, узбекистон бўйлаб чиқувчи қўнғироклар лимитдан ташкари 12 сўм.		Нархнома		
2.3	Sip trunk хизмати 40 дона канал трафиги чекланмаган		Нархнома		
Жами (олдиндан тўлов)					6900,00

ОПЕРАТОР:
“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АҚ
Тошкент филиали Кибрай ТБ

Оператор номидан:

Ж.М.Собиров

АБОНЕНТ:
“28-сон БМСМ”

Абонент номидан:
Рахбар: О. Тохтаев



Приложение № 1.

к договору № 1919647952 от 28.01.2022 год.

Протокол согласования договорной цены

Абонентская плата за месяц - 6900сум.

Сверх лимит - 1 минута - 12 сум.

№	2022 год.	Ежемесячная абонентская плата	Свех лимит	Сумма.
1	Январь	6900	8100	15000
2	Февраль	6900	8100	15000
3	Март	6900	8100	15000
4	Апрель	6900	8100	15000
5	Май	6900	8100	15000
6	Июнь	6900	8100	15000
7	Июль	6900	8100	15000
8	Август	6900	8100	15000
9	Сентябрь	6900	8100	15000
10	Октябрь	6900	8100	15000
11	Ноябрь	6900	8100	15000
12	Декабрь	6900	8100	15000
Всего:		82800	97200	180000

Сумма договора - 180000 (Сто восемнадцать тысяча сум.)

Директор:

"ОПЕРАТОР"



"АБОНЕНТ"

Руководитель





YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

GUVOHNOMA

Reestr № **10-000240**№ **004060**

2010 yil "19" iyul

Mazkur guvohnoma

"O'ZBEKTELEKOM"

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli:

*Ochiq aksiyadorlik janriliyi***THSHT (ОПФ)****1150***Aksiyadorlik kompaniyasi*

Mulkchilik shakli:

*Aksiyadorlar***MSHT (ФС)****144**

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

A. TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY**MHBT (COATO)****1726266**

Yuridik shaxs kodи:

KTUT (ОКПО)**17820078**

Asosiy faoliyat turи:

*Elektr va radio aloqasi***XXTUT (ОКОНХ)****52300**

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami:

STIR (ИНН)**203366731**

Qo'shimcha ma'lumotlar:

AVVAL, ADLIYA VAZIRLIGIDA 2000 YIL 30 AUGUSTDAGI**1317-SONLI REESTR RAQAMI BILAN RO'YHATGA OLINGAN**

Vakolatli organ boshlig'i:

S.M.Tairshikov



LITSENZIYA
ЛИЦЕНЗИЯ

AA № 0005717

Litsenziya turi
Вид лицензии

Типовая

Berilgan sana
Дата выдачи

03 ноября 2015 г.

Litsenziyaning amal qilish muddati:
Срок действия лицензии:

03.11.2015г.

dan
по

03.11.2030г.

gacha

Litsenziatning nomi:
Наименование Лицензиата:

Акционерная компания «O'ZBEKTELEKOM»

г. Ташкент, Юнусабадский р-н, проспект Амира Темура, д. 97А, п/с 20210000904074838001

Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari
Адрес и банковские реквизиты Лицензиата

в ОПЕРУ АК «Алокабанк» г. Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI:
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг сетей
подвижной радиотелефонной (сотовой) связи

ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ
В СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ



Rahbarning imzosi:
Подпись руководителя:

Litsenziyaning amal qilish muddati:
Срок действия лицензии продлен: с

dan
по

gacha uzaytirildi

М.О.
М.П.

Rahbarning imzosi:
Подпись руководителя:



Litsenziyaning amal qilish muddati:
Срок действия лицензии продлен: с

dan
по

gacha uzaytirildi

М.О.
М.П.

Rahbarning imzosi:
Подпись руководителя:

(Illova qilingan litsenziya shartnomasi mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)

Реестр № 435